

ИЧКИ ЁНУВ ДВИГАТЕЛИГА ВОДОРОДНИНГ ЭКОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ ХАРАКТЕРИСТКАЛАРИ ТАЪСИРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

О. Г. Эргашев

Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш
технологиялари илмий-тадқиқот институти тадқиқодчиси

Аннотация:

Ички ёнув двигателларига водород ёнилғисини қисман қўшиш ишларини олиб борган дунё олимларнинг адабиётлари ўрганилган бўлиб, асосан дизель двигателларидаги кўрсатгичларнинг ўзгаришлари кузатилган.

Калит сўзлар: Углеводород, водород, икки хил компонент, ички ёнув двигателлари, босим, ҳарорат, ёнилғи, аралашма, дизель.

ДИЗЕЛЬ ДВИГАТЕЛЛАРИДА ВОДОРОДДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Республиканинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва водород энергетикасини барқарор ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан ушбу соҳанинг илмий салоҳиятини кучайтириш талаб этилади.

2021 йил 9 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5063 – сонли «Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида »ги Қарори имзоланди [1].

Ҳозирги вақтда ёнилғи сифатида водородли ички ёнув двигателларини яратиш бўйича тадқиқот ишлари асосан икки йўналишда олиб борилмоқда:

Углеводород ёнилғисида (бензин, метан, дизель ёнилғиси) ишлайдиган двигателларни уни қисман водород билан алмаштириш билан яратиш;


Соф водородда ишлайдиган двигателларни яратиш.

Икки хил компонентли ёнилғида ишловчи двигателнинг камчиликлари бу тракторга янада мураккаб техник хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш. Афзалликлар қаторига дизель ёнилғисини водород билан қисман алмаштириш двигателнинг мавжуд моделларидан фойдаланиш ва тракторда водород запасларини камайтириш имкониятини яратиши киради. Шу билан бирга, водородни қўллаш двигателнинг салт юриши ва қисман юкларда иқтисодий кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилайди.

Ички ёнув двигателлари учун ушбу турдаги ёнилғидан фойдаланиш нуқтаи назаридан водороднинг физик-кимёвий характеристкаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, водород ёнилғиси билан ишлайдиган двигателнинг чиқинди газлари анъанавий ИЁД

чиқинди газларига қараганда анча заҳарсиз ҳисобланади. Водород ёнилғисида С углерод атомлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, водород ёниш маҳсулотларида CH_x ёнмаган углеводородлари, С қурумлари мавжуд эмас ва улар углероднинг CO моноксиди ва CO диоксидининг камайтирилган таркиби билан ажралиб туради (водород оксидланиш маҳсулоти сув ҳисобланади). Бундай двигателнинг чиқинди газлари таркибида NO_x азот оксидлари мавжуд, аммо уларнинг таркиби бензинли двигателга қараганда 10÷15%, дизель двигателга қараганда 20÷25% кам. Шу билан бирга, ёнилғи-ҳаво аралашмаларининг таркиби бўйича ёниш доираси кенгаяди, бу эса дизелларининг ёнилғи самарадорлигини яхшилайди ва қисман юкларда азот оксили чиқишини камайтиради. Дизель ёнилғисига эга ёнилғи композитсияси таркибида водороддан фойдаланиш ушбу ижобий фазилатларни ёнилғи заряди давомида маълум даражада “сингдириш” имконини беради. Дизель ёнилғиси ва водороднинг оптимал композицион нисбати танлови, водороднинг минимал сарфида, двигателнинг иқтисодий ва экологик характеристкаларини заҳарлилиги ва ёнилғи самарадорлиги нуқтаи назаридан энг қийин режимларда сезиларли даражада яхшилашга имкон беради. Шу билан бирга, дизель-водород-ҳаво аралашмаларининг юқори ёниш тезлиги туфайли циклнинг қаттиқлигининг ошиши ва двигателнинг цилиндр-поршень гуруҳи қисмларига юкларнинг мос равишда ошиши қайд этилади[2-4].

Дизель двигателида водороднинг ишончли равишда алангаланиши учун юқори сиқиши даражаларини яратиш керак (1-расм), чунки цилиндрда зарур бўлган ҳарорат водороднинг ўз ўзидан ёниш ҳароратидан 100-200 K га ошиши ва камида 1023 K бўлиши керак. Мавжуд дизель двигателларини водородда ишлашга мослаштириш учун алангалатишни ёки дизель ёнилғиси оқимидан (зоналашган сифатида) бошлаш ёки сиқиши охиридаги ҳароратни оширувчи босим ёрдамида ёки кириш жойидаги ҳаволи заряднинг иситилишини ташқиллаштириш керак [6].



1-расм. P_c босим ва T_c сиқиши охиридаги ҳароратнинг сиқиши политропининг ҳар кўрсаткичларида сиқиши даражаларига боғлиқлиги.

Бундан ташқари, водороднинг детонацион ёнишига йўл қўймаслик учун двигателнинг конструкциясини, биринчи навбатда, сиқиши даражасини ошириш, ёниш камераси шаклини танлаш, поршень тубининг оловли сирти материалини ўзгартириш керак. Шунинг учун, дизель двигателларида водороддан фойдаланишинг замонавий усулларининг аксарияти, ёки мажбурий ёкиш билан водородда ишловчи ва сиқиши даражаси камайган ҳолда ишловчи ёки, фақат цилиндрга водород етказиб бериш усули билан бир-биридан фарқ қилувчи газ-суюқлик циклида ишловчи двигателда дизель конвертациясига олиб боради[9].

Маълумки, двигательнинг кучсиз ёнилғи-ҳаво аралашмасида ишлаши унинг иссиқлик ФИКини оширишга имкон беради. Двигателларнинг термодинамик циклларини назарий тадқиқ қилиш каби бир қатор ишларда тасвирланган. Хусусан, цикл давомида ишчи тана характеристкаларининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда иссиқлик ФИКини (η_t) таққослаш мақсадида олиб борилган ҳисоб-китоблар водород ва дизель учун η_t қиймати тахминан α қийматларининг кенг диапазонида бир хил эканлигини кўрсатди. Ушбу тадқиқотлар йўналишидаги ишларни давом эттириш бошқа моторли ёнилғилар учун ҳам ушбу ҳисоб-китобларни тасдиқлади.


ФИКи амалда ёнилғи турига, шунингдек унга киритилган иссиқлик микдорига боғлиқ эмас". Ушбу баёнотдан хуноса қилишимиз мумкинки, η_t қиймати икки омилга боғлиқ – сиқиши даражаси ва ортиқча ҳаво коэффициенти.

Сиқиши даражасининг бир хил қийматларида ($\varepsilon = 8$) да олинган α га боғлиқ ҳолда двигательнинг ҳисоб-китоб натижалари η_t шуни кўрсатадики, бутун α диапазонидаги водород учун η_t барча турдаги ёнилғилар η_t сидан қўра 3-4% юқори.

Шундай қилиб, ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики, двигательнинг ишлаш самарадорлигини оширишни асосан катта α билан ишлаш ҳисобига олиш мумкин.

Водород-ёнилғи аралашмаларида ишлаш жараёнида двигатель η_t сининг кўпайиши ҳам индикаторли ФИКни яхшилайди, аммо водород етказиб бериш усули билан аниқланган двигатель ишининг реал шароитида, охирида зикр қилинганинг пасайишига олиб келиши мумкин [7].

Двигатель синовлари шуни кўрсатдик (2-расм) ташқи аралашма ҳосил бўлишида индикаторли ва самарали кўрсаткичлар ёмонлашади, водород қўшилиш фоизи қанча кўп бўлса, индикаторли ФИК шунчалик паст бўлади, чиқинди газларнинг ҳарорати шунча юқори бўлади. $\alpha = 1,35$ да етказиб бериладиган умумий иссиқликнинг 30,5% дан юқори бўлган водород қўшилиши детонациясимон ёнишлар пайдо бўлишига ва двигатель қучининг кескин пасайишига ва тақиллашлар пайдо бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, чиқинди газлар таркибидаги водороднинг ҳажмли таркиби ошади, бу кўпинча иш жараёнининг ёмонлашишини кўрсатади [8].




2-расм. Водород қўшилишининг индикаторли ФИКга ва дизель ЧГ заҳарлилигига таъсири.

Водород қўшилиши билан чиқинди газлар таркибидаги NO_x миқдори ошади, CO ва CH миқдори камаяди, водород қўшилишининг умумий етказиб бериладиган иссиқликнинг 15% дан ортигининг ошиши, CO ва CH концентрациянинг кўпайишига олиб келади.

Водород аралашмаси қўшилиши билан дизель двигателининг ишлаш жараёнининг яхшиланиши ҳам адабётларда қайд этилган. Ўтказилган тажрибалар шуни қўрсатдики, Водород аралашмасининг оғирлиги бўйича 5% ли қўшилиши чиқинди газлар тутунини 30% га, азот оксидлари таркибини 2-4 баравар камайтириши мумкин. Водород аралашмаси қўшилишининг кейинги кўпайиши максимал цикл босимининг ошишига ва босим кўтарилиш тезлигининг ошишига олиб келади, яъни, дизель двигателнинг ишончлилиги ва чидамлилигига салбий таъсир қиласади.

1.3-расмда дизель водород қўшилиши билан ишлагандага, у сиқиши тактида қуйиш билан таъминлангандағи тадқиқот натижалари қўрсатилган. Графиклардан кўриниб турибдики, дизель ёнилғисининг етказиб берилиши максимал даражада бўлганда ва унинг тўлиқ ёниши учун шароит энг қийин бўлганида водороднинг энг самарали қўшилиши тўлиқ юкланиш режимида бўлади. Водород қўшилиши, ёниш жараёнини фаоллаштиради [9].

Дизелни водородда цилиндрларга тўғридан-тўғри қуйиш орқали ишлашини ўрганиш натижаларини таҳлили ўтказилди. Радиал водород қуйишда термик ФИК паст бўлганлиги аниқланди. Водород йўналишини водород тангенциал оқадиган қилиб ўзгартиргандан сўнг.



1.3-расм. Водород қўшилиши билан дизель ёнилғиси сарфини камайтириш:

1 - тўлиқ юк; 2 - тўлиқ юкнинг $\frac{3}{4}$ қисми; 3 - тўлиқ юкнинг $\frac{1}{2}$ қисми;
- - - водород қўшилиши билан; – водород қўшилишисиз.

$\epsilon = 15.4$, $n = 1500 \text{ мин}^{-1}$ ва аралашмадаги 40% ли водород микдорида яхшироқ индикаторли ва термик ФИКни ($\eta_i = 54\%$) олиш мумкин бўлди.

Водород ёки унинг таркибий қисми (дизель ёнилғиси билан биргаликда) таъсирининг ИЁД характеристкаларига эфектини ўрганиш бўйича хорижий муаллифларнинг ишлари таҳлили унинг ёнилғи аралашмасидаги паст концентрациясининг двигателнинг ишлаш жараёнининг характеристикаларига сезиларли таъсир кўрсатди.

Водород қўшимчаларининг дизель двигатели параметрларининг t циклик ўзгаришига таъсирини аниқлаш бўйича шунга ўхшаш ишлар (самарали юк, т.в. айланиш частотаси, айланиш вақти) Вонг ва Карим Г.А томонидан ўтказилган. Иш натижалари шуни кўрсатди, водород қўшилиши иш режимлари диапазони кенгайиши билан двигатель параметрларининг циклик ўзгаришини камайтиришга имкон беради [9-10].

Бинг Лиу ва бошқалар экспериментал тадқиқотлар асосида маълум бир $\alpha = 0.9-1.6$ диапазонда СН эмиссиясининг концентрацияси аралашмадаги водород улушининг ошиши билан 6 бараваргача камайишни аниқлади. Дизелга водород қўшилиши аралашманинг кучсиз чегарасини $\alpha = 1.9$ қийматларига қадар сезиларли даражада кенгайтиришга имкон беради. NO_x чиқиндилари концентрациясининг максимал қийматлари $\alpha = 1.1$ қийматига мос келади. Двигателнинг ишлаш режимига қараб аралашманинг таркибидаги водород улушининг ошиши билан ушбу қийматнинг янада ошиши 400% га етиши мумкин. Чиқинди газлар учун ҳар қандай катализатордан фойдаланмасдан кучсиз ёнилғи аралашмаларини ёкиш орқали бундай юқори NO_x қийматларини камайтириш мумкин. Водород қўшилиши чиқинди газлардаги CO концентрациясига унчалик таъсир қилмайди. CO_2 концентрацияси аралашмадаги водород улушининг ошиши билан камаяди. Экспериментал иш шуни кўрсатди, двигателда кучсиз ёнилғи-ҳаво аралашмасининг ёниш чегаралари дизелга водород қўшилиши ҳисобига кенгаяди. Дизелдаги водород улушки 0 дан 20% гача кўпайиши билан маълум бир $\alpha = 0.9 \div 1.8$ оралиғида термик ФИКи (6% гача) ва чиқиш қуввати

пасаяди. Дизелдаги водород улушкининг 20% дан ошиши билан чиқадиган қувват ва термик ФИК шунга мос равища ортади .

Хулоса:

Турли мотор ёнилғилариға қўшимча сифатида водород газини қўллаш, ишлаб чиқарилган трактор ёнилғиларининг ресурсларини кенгайтириш ва экологик самарадорлигини таъминлашнинг энг мақбул усули эканлиги аниқланди.

Ўзбекистонда «Водород энергетикасини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли миллий стратегияни ишлаб чиқиши» вазифаси белгиланди.

Хитой, Япония, АҚШ, Россия каби кўплаб мамлакатларда водороддан дизель ёнилғисига қўшимча сифатида фойдаланиш бўйича меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. «Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида »ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5063 – сонли қарори 09. 04. 2021 й.
2. Льотко В., Луканин В.Н., Хачиян А.С. Применение альтернативных топлив в двигателях внутреннего сгорания. – М.: МАДИ, 2000. – 311 с.
3. Кадыров С.М., Ш.Мухамеджанов. Будущее – за водородным топливом 2015. – 8 б.
4. Базаров Б.И., Калауов С.А., Васидов А.Х. Альтернативные моторные топлива. – Ташкент: SHAMSASA, 2014. – 189 с.
5. Шадиметов Ю.Ш. Атмосфера ҳавосини ҳимоя қилиш технологияси. Тошкент: “LESSON PRESS” MCHJ 2021. 126 б.
6. Baeig, C. G., and Forest, T. W., "Effect of Hydrogen Addition on the Performance of Methane-Fueled Vehicles. Part I: Effect on S.I. Engine", Int. J. Hydrogen Energy, Vol. 26, pp. 55-70(2001).
7. Tseng, C J., "Effects of Hydrogen Addition on Methane Combustion in a Porous Medium Burner", Int. J. Hydrogen Energy, Vol. 27, pp. 699-707 (2002).
8. Jinhua Wang, Zuohua Huang Characteristics of direct injection combustion fuelled by natural gas-hydrogen mixtures using a constant volume vessel Int. J. Hydrogen Energy 33 (2008) 1947- 1956
9. Huang Z, Zhang Y, Zeng K, et al. Measurements of laminar burning velocities for natural gas-hydrogen-air mixtures. Combust Flame 2006; 146(1—2):302—11.
10. Ergashev, O.G., Kadirov, S.M., Aripjanov, M.M., Assessment of factors affecting the workflow of high-speed diesel engines. Journal of Critical Reviews, 2020, 7(14), стр. 283–288.

11. Wong, Y. K.; Karim, G. A. An analytical examination of the effects f hydrogen addition on cyclic variations in homogeneously charged Compression ignition engines. Int. J. Hydrogen Energy 2000, 25, 1217- 224.
12. Ismatov, J., Ergashev, O., Processes of mixture formation, ignition and combustion of a diesel engine. E3S Web of Conferences, 2021, 264, 04062.
13. Ergashev, O.G., Kadirov, S.M., Aripjanov, M.M., Assessment of factors affecting the workflow of high-speed diesel engines. Journal of Critical Reviews, 2020, 7(14), ctp. 283–288

